Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 27 январь, шанба • № 8 (10.783) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1996 ЙИЛДА ПАХТА ЕТИШТИРИШ ҲАЖМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг 1996 йилда иловага мувофиқ ҳажмларда пахта етиштириш бўйича таклифлари қабул қилинсин.

1996 йилда пахта толаси учун давлат буюртмаси уни ишлаб чиқариш ҳажмларининг 50 фоизи даражасида сақлаб қолинсин. Белгилаб қўйилсинки, давлат буюртмасининг тасдиқланган ҳажмидан ортиқча пахта толаси пахта тайёрлаш топшириқлари бажарилган тақдирда хўжаликлар ихтиёрида қолади ва улар томонидан эркин нархларда сотилади.

2. Пахта хомашёси учун харид нархлари пахта толасининг ўртача жаҳон нархларининг 70 фоизидан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда 1996 йил 1 августгача жаҳон бозори конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда пахта толасининг харид нархлари юзасидан таклифлар киритсин.

3. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 1996 йил 10 февралгача пахта харид қилиш юзасидан хўжаликлар билан шартномалар тузилишини таъминласин.

«Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси хўжаликларга харид нархларининг камида 25 фоизи миқдорида аванс тўласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк ва «Пахта-банк» билан биргаликда харид қилинадиган пахта хомашёси учун аванс бериш учун зарур бўлган пул ресурсларини излаб топсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда 1996 йил ҳосили учун республика минтақалари бўйича ғўзанинг селекция навларини жойлаштириш юзасидан таклиф киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1996 ЙИЛДА БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР ДОНИ ЕТИШТИРИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШ ҲАЖМЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг 1996 йилда иловага мувофиқ ҳажмларда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш бўйича таклифлари қабул қилинсин.

1996 йилда дон харид қилиш ҳажмлари уни етиштириш ҳажмларининг 50 фоизи даражасида тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

амалда йиғиб олинадиган ялпи дон ҳажмларидан қатъи назар, дон харид қилиш бўйича топшириқларнинг хўжаликлар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

доннинг уруғлик ғамлангандан кейин қолган қисми хўжаликлар томонидан эркин нархлар бўйича сотилади.

2. Бошоқли экинлар дони учун харид нархлари ўртача жаҳон нархларининг 60 фоизидан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда 1996 йил 1 майгача жаҳон бозори конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда доннинг харид нархлари бўйича таклифлар киритсин.

3. «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 1996 йил 10 февралгача дон харид қилиш юзасидан хўжаликлар билан шартномалар тузилишини таъминласин. Хўжаликларга харид нархларининг камида 40 фоизи миқдорида аванс тўласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк ва «Ғалла-банк» билан биргаликда харид қилинадиган дон учун аванс бериш учун зарур бўлган пул ресурсларини қидириб топсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси мўлжалланган ҳажмларда бошоқли экинлар дони етиштириш учун хўжаликларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 январь.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ТАҲЛИЛ ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

24 январь куни вилоят ҳокимлигида халқ таълими, маданият, фан, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида 1995 йил якунлари таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

ЙИҒИЛИШДА шаҳар, туман ҳокимлари муовинлари, вилоят ҳокимлигининг шу соҳага тегишли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар. Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова бошқариб борди.

Йиғилишда шу нарса эътироф этилдики, ўтган 1995 йилда тизимда ислоҳотларни чуқурлаштириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, умуман халқ таълими, тиббиётда янгиликларни жорий этиш борасида бир қатор ишлар қилинди. Лекин шу билан биргаликда жойларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Натижада бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда, муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаётир.

Хусусан, жойларда корхона, ташкилот, хўжаликларга қарашли мавжуд болалар боғчалари турли сабаблар билан ёпиб қўйилмоқда. Кўп ҳолларда буни иқтисодий қийинчиликларга боғламоқдалар. Лекин имкониятлар тўлиқ ишга солинса бу болалар муассасаларидан фойдаланиш мумкин. Қолаверса, аҳолини кўпроқ ишга жалб этиш, айниқса қишлоқ жойларидаги оналарга имкониятлар яратиш учун бу боғчаларни ишга тушириш шарт. Афсуски, бир неча бор огоҳлантирилганига қарамасдан Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Қуйичирчиқ туманлари ва қатор шаҳарларда ҳам тегишли хулоса чиқарилмаётганлиги кескин танқид қилинди.

Йиғилишда тиббий муассасалар ишини яхшилаш, муолажалар сифатини ошириш, шу билан биргаликда бу муассасаларни моддий таъминотини мувофиқлаштириш, ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталинди. Шуниси ачинарлики жойлардаги ҳокимликлар бу муассасаларга бюджет томонидан ажратилаётган маблағни ўз вақтида бермаяптилар. Бунинг оқибатида уларни дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунинг натижасида тиббий муассасалар «Дори-дармон» акционерлик жамияти ва бошқа ташкилотлардан қарздор бўлиб қолмоқдалар. Энг ташвишлиси ҳозирги вақтда тиббий муассасаларни озиқ-овқат билан таъминлашда ҳам сунъий муаммолар юзага келмоқда. Тўғри, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда савдо идоралари билан боғлиқлик бор. Лекин бу муассасаларга қишлоқ туманларида етиштирилаётган мева, узум, сабзавот ва картошка етказиб бериш шунчалик мураккабми? Бу масалани ҳар бир ҳокимлик кўриб чиқиши керак.

Йиғилишда вилоят аҳолисини бўғма ва бошқа юқумли касалликларга қарши қайта эмлашни тартибга солиш, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш, айниқса ногиронларни аравачалар билан таъминлашни тезлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Вазирлар Маҳкамасининг 296-сон қарори асосида жойларда бизнес-мактабларини очишни тезлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Республика Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тадбирлар ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Шунингдек, вилоятда 1996-1997 йиллар ва 2000 йилгача мўлжалланган қишлоқ жойларида мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантириш, юзасидан ишлаб чиқилган дастурни беками-кўст бажариш, ана шу дастур асосида ҳар бир туманда махсус тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи А. Содиқов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиев, ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Н. Назиров, Бекобод тумани ҳокими муовини Э. Қодиров, Янгийўл тумани ҳокими муовини К. Шукуров, Оҳангарон тумани ҳокими муовини М. Дўстбоевнинг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

ҒАЛЛАНГ БЎЛСА КЎНГИЛ ТЎҚ, ПАХТАНГ БЎЛСА БЕЛ БАҚУВВАТ

ЎЗБЕКИСТОНДА амалга оширилаётган ислоҳотларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, бу тизимни тезроқ бозор муносабатларига ўтказиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Хусусан, республикамиз Президенти Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида «Қишлоқда туб ислоҳотларни ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий қилдириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбаидир», деди.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Худди шунингдек, ғалла мустақиллигига эришмай, пахтачиликни ривожлантирмай туриб қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ҳам мушкул.

Шу нуқтаи назардан 23 январь куни Вазирлар Маҳкамасида республика Президенти олиб борган ғалла ва пахта етиштиришга боғлиқ масалаларнинг кўриб чиқилишига бағишланган йиғилиш катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йиғилиш яна шуниси билан характерлики, анчадан буён ғалла ва пахта масаласида бундай нуфузли кенгаш ва муҳокама бўлмаган эди.

Назаримда, бу йиғилишдан чиқариладиган биринчи хулоса ғалла ва пахтанинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожидаги ўрнини тўғри англаб олмоқдир. Зеро, ғалла мустақиллигимизнинг асосий мезонларидан бири бўлса, пахта асосий стратегик хом ашё, керак бўлса, валюта заҳирасидир.

Иккинчи хулоса — мавжуд майдонлардан самарали фойдаланиш, ғалла ва пахтани режалаштирилган ерларга тўлиқ экиш, ҳосилдорликни ошириш учун барча имкониятларни ишга солишдан иборат. Чунки ғалла ва пахтани сотиш, сотиб олиш, омборни тўлдириш ва заҳирани мустаҳкамлаш учун аввало ҳосил бўлиши керак.

Етиштирилган маҳсулотни харид қилишни бугунги кун талабида ташкил этиш, бу ишни контрактация -шартномалар асосида амалга ошириш, хўжаликларга эркинлик бериш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини белгилаб бериш, деҳқоннинг манфаатдорлигини ошириш, айни пайтда унинг маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ҳосилдорликни ошириш учун ўз масъулиятини англаб етмоғи яна бир хулоса чиқариб оладиган вазифалардир.

Республика Президенти бу масалаларни таҳлил этар экан, ҳар иккала муҳим соҳани ривожлантиришда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганини, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар йиғилиб қолганлигини жуда тўғри таъкидлади.

1995 йилда республикамиз сингари, Тошкент вилоятида ҳам ғаллачиликка эътибор кучайтирилди. Ғалладан яхши ҳосил олинди. 1994 йилга нисбатан 29,1 минг гектар кўп ғалла экилди. 107,2 минг гектар ерда дон етиштирилди. Бунинг 77,4 минг гектари сувли майдонлардир. Давлатга 216 минг тонна дон сотилиб, қўшимча топшириқ ҳам адо этилди.

Лекин вилоятда бундан ҳам юқори натижаларга эришиш имкониятлари бор эди. Афсуски, Вазирлар Маҳкамасида таъкидланганидек, айрим туман ва хўжаликларда кутилган натижага эришилмади. Хусусан, Пискент, Оҳангарон, Бекобод, Ўртачирчиқ туманларида ҳатто суғориладиган майдонлардан ҳам 26—29 центнердан ҳосил олинди, холос. Бу вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам анча пастдир.

Долзарб мавзу

Вилоятда пахта тайёрлаш топшириғи муваффақиятли адо этилган 1995 йилда Янгийўл ва Пискент туманларида режа уддаланмади. 28 та пахтачилик хўжалигида ҳам пахта тайёрлаш топшириғи барбод этилди. Агар бу туман ва хўжаликларда режа бажарилганида, вилоятда қўшимча 20 минг тонна пахта ҳосили олиш мумкин эди.

Мана шунинг ўзиёқ Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида таъкидланганидек жойларда ғаллачилик ва пахтачиликка етарли эътибор берилмаганлигини, агротехника талаблари бажарилмаганлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак: негадир бир қатор хўжаликларда ғалла ерга сепилса бўлди, ҳосил бўлаверади, деган тушунчадан ҳамон воз кечолмаяптилар. Ана шунинг учун ҳам халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг учинчи сессиясида бу масала чукур муҳокама этилди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан кам деганда 35 — 40 центнердан ғалла олиш бош вазифа қилиб қўйилди. Вазирлар Маҳкамасида айтилган фикрлар бу борада жойларда яна бир бор хулоса чиқариб олишни талаб қилади.

Йиғилишда давлат буюртмаси ғалланинг 50 фоизи, пахтанинг эса 60 фоизи миқдорида белгиланиб, қолган ҳосилнинг хўжаликлар тасарруфида қолдирилиши аниқ қилиб қўйилди. Давлат буюртмаси бўйича ғалланинг харид нархи дунё бозоридаги ўртача нархнинг 60—65 фоизи, пахта бўйича 70—75 фоизи миқдорида белгиланди. Бу республика Вазирлар Маҳкамасининг 25 январдаги «1996 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида» ҳамда «1996 йилда бошоқли экинлар дони етиштириш ва харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарорлари билан ўзининг ҳуқуқий мақомини олди. Бу билан хўжаликларда ғалла ва пахта етиштиришни кўпайтириш, ҳосилдорлигини оширишда жуда катта имкониятлар яратиб берилди.

Айни вақтда буюртмадан ортиқча ҳосилни сотиш борасида ҳозирдан бошлаб контрактация-шартномалар тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, айнан шу масаланинг вақтида ва пухта ҳал этилмаганлиги хўжаликлар ва маҳсулотни сотиб олувчи идоралар ўртасида катта муаммоларни келтириб чиқарар эди. Эндиликда бунга барҳам бериш, шартномаларнинг ҳар икки томонга мақбул асосда тузилиши катта аҳамиятга эгадир. Энг муҳими бу шартномалар деҳқоннинг манфаатдорлигига, уни рағбатлантиришга, эркинлик беришга янги асос яратади.

Йиғилишда эътиборга молик яна бир нарса қишлоқ хўжалигида тўловларни тартибга солиш масаласининг кўриб чиқилганлиги бўлди. Очиғини айтиш керак, бир қатор хўжалик раҳбарлари суҳбатларда топшириқлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, ғалла ва пахта учун ўз вақтида ҳақ тўланмаётганлигини айтадилар. Бу ўз-ўзидан қўшимча муаммоларни келтириб чиқаради, деҳқоннинг қизиқишини сусайтиради. Шу нуқтаи назардан етиштирилажак ҳосилга олдиндан аванс тариқасида тўловнинг амалга оширилиши, биринчидан, хўжаликларда ишни ташкил этишда кўмак берса, иккинчидан, деҳқоннинг моддий манфаатдорлигини оширади. Пировардида, у юқори ҳосил олиш, маҳсулотни вақтида нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилади.

Республика Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ўзаро тўлов муносабатларини такомиллаштиришда катта имкониятлар очди. Ўйлаймизки, банк тизимида ҳам бу борада ўзгаришлар рўй беради.

Бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор. Уларнинг энг муҳими имкони борича арзон ва сифатли маҳсулот етиштириб, уни мақбул нархда сотишдир. Йиғилишда бу борада ҳам оқсаётганлигимиз таъкидланди. Масаланинг моҳиятини тушунмаслик натижасида айрим хўжалик раҳбарлари маҳсулот таннархини арзонлаштириш ўрнига қиммат қилиб кўрсатиш қусуридан ҳамон қутулолмаяптилар. Бундай муносабатнинг даври ўтди. Шароит янгича ишлашни, қилинган ҳаражатга яраша кўпроқ ҳосил олишни, айни вақтда қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ишчи кучларини бошқа соҳаларга ўтказишни талаб қилмоқда. Бу ҳам қишлоқда ислоҳотларни амалга оширишдаги устивор вазифадир.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш ғаллачилик, пахтачилик, умуман қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришда анчадан буён ечимини топиши зарур бўлган муаммоларни ҳал этиб берди. Янги имкониятлар очди. Энди ҳамма гап ҳар бир раҳбарнинг бундан тегишли хулоса чиқариб, замон талаби асосида ишлашида қолди.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

«Ўзбекистон — ватаним маним»

ҲАР ИНСОН КЎНГЛИДА ЭНГ УЛУҒ ҒУРУР-ВАТАНДА ВАТАННИ КУЙЛАМОҚ ЭРУР!

Вилоят шаҳар ва туманларида «Ўзбекистон — ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловига қандай тайёргарлик кўриляпти? Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш шу масалага бағишланди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова бошқариб борди.

ВИЛОЯТ ҳокимининг қарорига биноан маҳсус тузилган ташкилий қўмита ва кенгаш аъзолари, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимлари муовинлари, халқ таълими ва маданият бўлимлари раҳбарлари, танловни ўтказишга масъул бўлган бошқа мутасаддилар иштирокида ўтказилган бу йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг ватан мавзуидаги янги қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги қарори жойларда катта ҳайрихоҳлик билан кутиб олингани ва аллақачон бу борада тайёргарлик ишлари бошлаб юборилгани таъкидланди. Ушбу танловни юқори савияда ташкил этиш учун вилоятда қандай тадбирлар қўлланилаётгани ва галдаги вазифалар ҳақида вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи, кенгаш раиси Зоҳиджон Солиҳов сўзга чиқди.

— Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий мустақилликни таъминлаш йўлидан бораётган давлатимизнинг дунё олдидаги мавқеи тобора ошиб бормоқда, — деди у. — Эндиликда мана шу озод ва обод юртнинг ҳақиқий эгаларини — ватан ва халқига содиқ асл фарзандларни тарбиялаб, камолга етказиш ҳаммамиз учун энг муҳим ва долзарб вазифадир. Ёшларимизга ватан туйғусини, миллий анъаналар ва қадриятларга муҳаббат туйғусини сингдиришда санъатнинг роли беқиёсдир. Айни ҳозирга мустақиллик шароитимизда эса ватан ва халқни улуғлайдиган, кексаю-ёш жўравоз бўлиб куйлайдиган янги, замонавий қўшиқлар зарур бизга. Танловнинг мақсади ва моҳияти аслида мана шу. Кўрик-танловда имкони борича янги асарлар яратилишига эътибор берилиши лозим. Жойлардаги мутасаддилар маҳаллий ижодкорларни, бастакор ва ҳаваскор хонандаларни, уларни ёши, миллати ва касбидан қатъий назар, кўрикда фаол иштирок этишга жалб этиб, зарур шароитларни яратиб беришлари лозим.

Кенгаш раиси, шунингдек, олиб борилаётган ташкилий-амалий ишларнинг аҳволи ҳақида ҳам атрофлича тўхталди. Шундан сўнг Чирчиқ шаҳар ҳокимининг муовини Замира Шамадиева, Бўстонлиқ тумани ҳокимининг муовини Худойберган Мирзамуродов, Паркент тумани ҳокимининг муовини Мажлимбой Акромовлар мазкур туманларда олиб борилаётган тадбирлар ҳақида ахборот бердилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, ташкилий қўмита аъзоси Олег Тожиев, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раисининг муовини, кенгаш аъзоси Ҳабибулла Раҳимов ва бошқалар танловни халқимизга манзур бўладиган даражада муваффақиятли ўтказиш хусусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бошланган бу кўрик-танлов ўзбек санъатининг, умуман мустақил давлат санъатининг ривожи учун жуда катта туртки бўлиши шубҳасиз, — деди Ҳ. Раҳимов. — Халқимизнинг бу ишга ниҳоятда қизиқиш ва мамнуният билан қараётганлигини шундан ҳам билса бўладики, бизнинг бастакорлар уюшмамизга ҳар куни ўнлаб ижодкорлар турли саволлар билан ва ҳатто ўз асарлари билан мурожаат қилишаяпти. Улар орасида таниқли хонанда ёки шоирлардан ташқари оддий ҳаваскорлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Биз танловда иштирок этишни истаган барча ижодкорларга, улар қайси жанрда асар яратишларидан қатъий назар, қўлимиздан келган барча ёрдамни беришга тайёрмиз. Тошкент вилояти иштирокчиларига яқиндан кўмаклашиш мақсадида эса шаҳар ва туманларга бир гуруҳ бастакорларни бириктирдик. Қўшиқларга мусиқа яратишда улар амалий ёрдам кўрсатадилар.

Йиғилишда кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Куни кеча «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси Америкининг «Американ Интернейшнл Групп» суғурта гуруҳи билан ҳамкорлик қилиш учун Буюк Британиянинг савдо ва саноат Департаменти рухсатномасини олиши муносабати билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

ТАШҚИ иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида ишончли шерик сифатида танилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлашда асосий омиллардан биридир, деган эди мамлакатимиз Президенти.

Ўзбекистон сармоядорларининг жаҳонда катта нуфузга эга бўлган, 130 мамлакат билан ҳамкорлик қилаётган Америкининг суғурта гуруҳи билан Марказий Осиёда биринчи бўлиб алоқа боғлаганлиги дунё бозорига чиқиш учун дадил қадам қўяётган мамлакатимизнинг жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида обрўси ошиб бораётганлигини яна бир далили бўлди. Бунга, албатта, республикамиздаги барқарорлик, тинчлик, ҳукуматимиз раҳбариятининг узоқни ўйлаб изчил иқтисодий сиёсат юргизаётганлиги туфайли эришилди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Ишончли молиявий кафолатнинг вужудга келганлиги, чет эл инвесторларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини ва эътиборини янада орттирмоқда. Мана шулардан бири Ўзбек-Америка қўшма суғурта гуруҳининг 100 миллион АҚШ долларига тенг капитал маблаги бўлиб, унинг 80 фоизи Ўзбекистон томонига тегишлидир.

— Ўзбек- Америка қўшма компанияси, аввало, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш орқали сиёсий барқарорликни ҳам таъминлайди, — деди матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Молия вазири Бахтиёр Ҳамидов, — Ўзбекистондаги йирик қурилишларни жадаллаштиришга, олтин, қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотларидан самарали фойдаланишга, бозор талабларини ўрганишга, республикага янги технологиялар олиб келишга хизмат қилади.

Матбуот конференциясида «Ўзбекинвест» Миллий Суғурта Компанияси директори С. Абдураҳимов, Америкининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Эскудеро, «Американ Интернейшнл Андеррайтерс» суғурта компаниясининг президенти Дж. Сэлинджер, ушбу суғурта гуруҳининг Марказий Европа ва МДҲдаги президенти Бенгт Вестергрен журналистларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ.

ЭЪТИРОФ

Чет эл оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиз, унинг ҳаётига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Европанинг энг қўҳна ва мўътабар газеталаридан бири бўлмиш «Таймс» (Буюк Британия) шу йил 19 январь куни чоп этилган махсус иловасини бошдан оёқ Ўзбекистонга бағишлагани бунинг яна бир далилидир. 40 саҳифадан иборат бу иловада мамлакатимиз ҳаётида мустақилликдан кейин юз бераётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар, тарихимиз ва маданиятимизга оид мақолалар, ранг-баранг суратлар ўрин олган.

Президент Ислом Каримов газетага берган интервьюсида Ўзбекистон собиқ СССРнинг хомашё базасига айланиб қолгани, халқнинг маънавияти ва маданияти сиқувга олиб келингани, бугунги кунда эса аҳвол ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан кескин ўзгараётгани ҳақида сўз юритади. Президент чет эллик ишбилармонларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка даъват этар экан, Ўзбекистон бозорини ўрганиш вақти тугаб, амалий ишга киришиш пайти келганини, улар учун республикада на фақат молиявий, қолаверса, сиёсий кафолатлар мавжудлигини таъкидлайди.

«Янги Ўзбекистонни беш принцип бошқармоқда» мақоласида мамлакатимиз тарихи, бугунги куни, иқтисодий ислоҳотларнинг машҳур беш тамойил асосида амалга оширилаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Газетадан, шунингдек мавжуд иқтисодий аҳвол таҳлилига бағишланган «Янги бозорларни қўллаб-қувватлаб», Ўзбекистон-Британия савдо-сотиқ ва саноат кенгашининг ҳамраиси Ж. Брейнинг «Сармоядорларнинг ишончи ортмоқда» мақолалари ўрин олган. Мақолалар муаллифлари Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти халқаро молия муассасалари, хусусан, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки томонидан эътироф этилаётганини қайд этади.

Аксарият мақолалар Ўзбекистон Буюк Британия иқтисодий ҳамкорлигига бағишланган. Пахта ва тамаки етиштириш ва уни қайта ишлаш, олтин қазиб олиш, ҳаво йўли, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқалар шулар жумласидандир. «Буюк Британия фирмалари янги имкониятларни қўлдан чиқармаяпти» мақоласида Ўзбекистон иқтисодиётига катта миқдорда сармоя киритаётган «Бат индастриз» ва «А. Мередит жонс» компанияларининг ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланаётгани таъкидланади. Бундан ташқари, газетада нефтьгаз саноати, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, энергетика, маданият, тарих каби мавзуларга ҳам кенг ўрин берилган. Республикамизнинг етакчи саноат корхоналари ва муассасалари унда ўз реклама ва эълонлари билан иштирок этган. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл сармояларининг янада кўпроқ оқиб келишига, биз билан ҳамкорлик қилишни истаган хорижий ишбилармонлар ва компаниялар сони кўпайишига сабаб бўлади.

Англиянинг Юнимедиа ахборот агентлиги ҳамда «Таймс» газетаси ҳамкорликда чоп этган мазкур илова Ўзбекистонни дунёга танитишда, у ҳақда ҳаққоний ахборот ёйишда, мавжуд ахборот тақчиллигини бартараф этишда яна бир муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, агентлик мухбирлари Таиза Бокс ва Адриан Беннок илова учун мақолаларни ўтган йили республикамизга келиб, бир неча ой мобайнида унинг ҳаёти билан бевосита танишиб тайёрлашган.

Мазкур илова Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётганининг, Ўзбекистон ҳар қандай талабчан ишбилармон, сармоядор ёки компания учун ҳам ишончли ҳамкор эканининг яна бир эътирофидир.

(ЎзА).

Бу ҳақда вилоят кенгаши сессиясида гапирилган эди

УЛАР ЎЗ ХАЛҚИНГИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ-КУ!

ВИЛОЯТ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИДА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЖИДДИЙ БУРИЛИШ ЯСАШ ДАВР ТАЛАБИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси бир мунча пастлиги яқинда бўлиб ўтган вилоят кенгаши сессиясида атрофлича таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, Президентимиз И. А. Каримов Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги кенгашларда қилган маърузаларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги жиддий нуқсонлар умуман олганда барча вилоятларда эътибордан четда қолиб кетганлигини куюниб гапирганича бор. Юртбошимиз қайд қилиб ўтган камчиликлар бизнинг вилоятимизда ҳам мавжуд. Буни аниқ тан олиш керак. Вилоятнинг аксарият кўпчилик шаҳар ва туманларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳозирги юксак талаблар даражасидан анча орқада. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш, рўзғор, маиший асбоб-анжомларни, чунончи, кир ювиш машиналари, телевизорлар, радио аппаратлари, мебелларни созлаш, кимёвий тозалаш рўзғор буюмларини ижарага бериш ва бошқа шу каби маиший хизмат турлари кескин камайиб кетди. Кўпчилик қишлоқ жойларда бундай хизмат турлари умуман йўқ, борлари ҳам ишламайди.

Республика Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори вилоятларда, шаҳар ва туманларда маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар уюшмалари тузиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш йўл-йўриқларини аниқ кўрсатиб берди.

Бу муҳим қарорнинг ижросини таъминлаш борасида вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят маиший хизмат уюшмаси тузилди. Кўпчилик шаҳар ва туманларда ҳам уюшмалар тузилиб, ишларни жадал бошлаб юбордилар. Лекин, Янгийўл, Юқоричирчиқ, Зангиота, Пискент, Бўка туманлари, Чирчиқ шаҳар ҳокимлари бу масалани ҳамон пайсалга солиб турибдилар. Бундай лоқайдлик кимга фойда-ю, кимга зарар. Албатта, бу шаҳарлар ва туманлар учун зарар-ку, наҳотки шу оддий ҳақиқатни тушуниш қийин бўлса.

Шаҳар ва туман ҳокимларининг бу масалага бефарқ қараши, хусусийлаштирилган маиший хизмат шахобчалари томонидан тузилган уч томонлама шартномаларни бажарилишининг назорат қилинмаслиги оқибатида кўпчилик маиший хизмат шахобчалари тижорат дўконларига айланиб қолган. Уларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишдан кўра сигарета, сақич кабилар билан савдо қилишни афзал кўришади. Кир машинаси бузилган, радио-телевизори ишдан чиққан, соч-соқолини қаерда олдиришни билмай овора-сарсон бўлиб юрган одамлар додини кимга айтсин. Жон бошига тўғри келадиган маиший хизмат кўрсатиш ҳажми вилоятнинг айрим шаҳар ва туманларида шу қадар пастки, ҳатто бу рақамни келтиришга мулоҳаза қиласан. Буни 1995 йилнинг ўн ойи якунларида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу соҳа бўйича қолоқликда «рекордчилар» ҳам бор. Маиший хизмат кўрсатиш даражаси Оҳангарон шаҳри бўйича аҳоли жон бошига 9 сўмни ташкил этди, холос. Бўка ва Паркентда — 13 сўм, Янгийўл туманида — 16 сўм, Қуйичирчиқда — 16 сўм, Ўртачирчиқда — 14 сўмданга тўғри келди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Биргина мана шу рақамларнинг ўзи жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси ниҳоятда аянчли аҳволга тушиб қолганини яққол акс эттирмоқда.

Тўғри, тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар очилган шу кезларда ким уддабуррону, ким нўноқлиги ҳам сезилиб қолмоқда. Иш билган одам қайси соҳага қўл урмасин, уни юксакликка кўтара ола билади. Бундан ўзи ҳам моддий манфаат кўради. Демакки, жамият ҳам ютади. Тадбиркор одам ҳамиша ҳаракатда, изланишда бўлади.

Вилоят бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бирмунча оқсаб қолганлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Аммо, ўзининг уддабурронлиги ва ғайрат-шижоати билан бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритаётганлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қандай самара беришини «Ғаллақудуқ» хўжалигида ташкил этилган «Гулчеҳра» кўп тармоқли кичик корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Гулчеҳра Пўлатова бошчилик қилаётган бу корхона Оҳангарон туманида ночор аҳволга тушиб қолган маиший хизмат тизимини тубдан яхшилашга аҳд қилган. Ҳозирги кунининг ўзида бу ерда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг 18 тури бўйича ишлар яхши йўлга қўйилди. Яна бир қатор ижобий ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Ёки Пискентлик ишбилармон Адолат Аҳмедовани олиб кўрайлик. Бир-икки йил илгари икки қаватли «Болалар дунёси» дўконини хусусийлаштириб олганида кўпчилик унга ишонмаган эди. Бугун-чи? Бугунги кунда «Адолат» хусусий дўкони айни ҳамқишлоқлари дидига мос қилиб қайта таъмирланди ва энг зарур моллар билан пештахталар тўлдириб ташланди. Бу ерда нафақат саноат ва кундалик эҳтиёж моллари, балки озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам савдо қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда «Пискент супермаркети»нинг жамоаси эндиликда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйишни режалаштирди. Етарли маблағ тўпланиши билан бу хайрли ишни бошлаб юборадилар.

Мана, оддий аёллар шунчалик уддабурронлик билан ишни юритишмоқда. Мана шундай тадбиркорлардан ўрганса, уларнинг тажрибасини оммалаштирса, ҳар томонлама рағбатлантирса арзийди.

Бундай мисоллардан одамнинг кўнгли таскин топади, аммо аҳвол ҳамма ерда ҳам бирдек эмас. Ана шуниси афсусланарлидир. Қаерга борманг, аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат ва пулли хизматлар тизимидаги камчиликларни кўриб, куюниб кетади одам.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Вилоят бўйича 1995 йилнинг ўн ойи мобайнида бу рақам аҳоли жон бошига 523 сўмни ташкил этган бир пайтда Қуйичирчиқ туманида бу кўрсаткич 80 сўмни, Юқоричирчиқ туманида 92 сўмни, Пискент туманида 96 сўмни, Янгийўл туманида 135 сўмни ташкил этган. Изоҳлашга ҳам ҳожат йўқ! Вазият шу аҳволда бўлса бу туманларда бюджет ташкилотларига, нафақахўрларга пул қаёқдан олинади. Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида жойларда бу соҳа бўйича амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигини таъкидлаб ўтилди. Ахир, маиший хизмат соҳаси, унинг аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тармоғи бюджетни пул билан таъминлашнинг муҳим манбалари ҳисобланади-ку! Буни айрим шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари унутиб қўйганга ўхшайдилар.

Бизнингча, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари бир томондан аҳолининг турли эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беришни, иккинчи томондан маҳаллий бюджетни маблағ билан таъминлашнинг бу йирик манбаи эканлигини ҳисобга олиб, унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришлари лозим. Айниқса, хусусийлаштирилгандан кейин тўла қувват билан иш юрита олмаётган корхона ва жамоаларнинг қолоқлик сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этишда кўмаклашишлари, айни вақтда бу тадбирларни уларнинг аҳоли учун асқотадиган ишларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак. Бунинг учун эса барча имкониятлар ва омилларни ишга солишлари лозим.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Сўраган эдингиз

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IV сессияси пенсия таъминоти тўғрисидаги амалда бўлган қонунга қўшимча ва ўзгаришлар киритди. Шу муносабат билан кўп сонли газетхонларимиздан, пенсия арафасидаги ва пенсияга чиқиб, меҳнат фаолиятини давом эттираётган юртдошларимиздан шу ҳақда тушунтириш беришимизни сўраб хатлар келяпти. Қўнғироқлар бўлиб турибди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи Нажим НАЗИРОВ билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IV сессияси амалдаги пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга қандай қўшимча ва ўзгаришлар киритди.

— Маълумки, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар, театр, концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимларига театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи муассасаларининг профессор ўқитувчилари ва концертмейстерларига имтиёзлар яратиш ҳақида, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг 75 ва 50 фоизи миқдорида қўшимча бериш кўзда тутилган эди. Ана шу ўзгартиш пенсия қонунининг 28-модда «л» ва «м» бандларида ўз ифодасини топди. Шунингдек ишламайдиган ва ишлаб турган пенсионерларга пенсияларини 50 ва 100 фоиз миқдорида тўлаш масаласига доир ўзгартиш қонуннинг 52 ва 53 моддаларида акс этди.

— Бу янгиликдан кейин пенсиялар тўлашда ҳам маълум ўзгаришлар юз берган бўлса керак? Шу ҳақда батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Ишламайдиган пенсионерларга пенсияларни илгаригидек улар истиқомат қилиб турган жойдаги туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тўланади. Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар 1996 йил 1 январидан бошлаб уларнинг иш жойида тўланади. Бунинг учун пенсионер туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимидан топшириқномани олиб, иш жойига топшириши лозим. Корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа турдаги жамоалар маъмурияти (ҳатто дин муассасалари ҳам), бухгалтерия пенсия пулини алоҳида ведомостда ойнинг иккинчи ярмида тўланадиган маош билан бирга суғурта жамғармасининг маблағи ҳисобидан тўлаши керак.

— Маълумки, Президентнинг 1995 йил 25 ноябрдаги фармонида ишлаб туриб пенсияни 100 фоиз ва 50 фоиз олиш ҳуқуқига эга бўлган тоифадаги шахслар кўрсатиб ўтилган эди. Шулар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга), I, II гуруҳ ногиронларига, Чернобиль ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга, уруш даврида меҳнат фронтида ишлаган шахсларга, улар ишлаб турган бўлсалар ҳам пенсия корхона орқали тўла миқдорда, яъни 100 фоиз тўланади. Қолган ишловчи пенсионерларга эса тайинланган пенсиянинг ярми, яъни 50 фоизи юқорида айтиб ўтганимиздек ишлаётган жойидан тўланади.

— Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган пенсионерларга нафақа қандай тартибда тўланади?

— Агар пенсионер ўзи учун боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олса ва у ишга кирса пенсия 50 фоиз тўланади. Агар шу пенсионер болалари учун боқувчисини йўқотганлик пенсияси олаётган бўлса бу ҳолда у ишга кирса ҳам пенсия 100 фоиз миқдорида тўланади. Хулоса шуки, бундан буён ишлаётган пенсионерлар ижтимоий таъминот бўлимларига хабар бериб, пенсия тўлаш тартибини амалдаги қонун талабида ижро этишлари зарур. Аксинча ноқонуний олинган маблағ — пенсия пули қайта ундириб олинади.

Абдужаббор МАННОПОВ суҳбатлашди.

«Янгийўл ёг-мой» комбинати ҳиссадорлик жамиятига айланганидан кейин ишлаб чиқаришда ижобий силжишлар юзага кела бошлади. Маҳсулот тайёрлаш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда жамиятда кунига биргина кир совунидан 20 тоннага етказиб ишлаб чиқарилмоқда ҳамда буюртмачиларга етказиб берилянти.

СУРАТДА: катта уста Ҳакимжон Отабоев ва бош муҳандис Мирҳабиб Толиповлар совун сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

НАВОИЙШУНОСЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент давлат шарқшунослик институтида Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон истиқлоли ва навоийшунослик истиқболи» мавзуида илмий-амалий давра суҳбати ўтказилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар шу вақтга қадар Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик асарлар тўплами ва беш жилдлик шоир асарлари луғати чоп этилганини қайд этди. Суҳбатда улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг бой адабий меросини мустақиллик нуқтаи назаридан янада теранроқ ўрганиш лозимлиги таъкидланди.

ИШНИ ЭПЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

Халқ хўжалиги, шу жумладан, қишлоқ хўжалигининг қайси тармоғида бўлмасин, ютуқлар, кўрсаткичларнинг салмоғи, табиийки, ўрта бўғин кадрлари, мутахассисларининг малакаси, тажрибаси, маҳоратига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шу туфайли жамоа хўжаликларида ҳисобот йиғилишлари ўтказишдан олдин бу тоифа кадрлар билан туман доирасида сидқидилдан, очиқчасига суҳбатлашиб, шу аснода ким яхши ва ким ёмон ишлаяпти, ким лоқайду, ким тадбиркор, оммалаштиришга арзийдиган тажрибаси борми, йўқми, ҳукуматимиз қарорлари, фармонлари, иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш борасида қилаётган ишлари самараси, ниҳоят, бундан кейин ўз ишини қандай ташкил этмоқчи, ишониб топширилган вазифани уддалай оладими, йўқми, ана шулар ҳақида аниқ бир хулосага келиб олиш ғоят муҳимдир.

— Туманимизда бу масалага алоҳида эътибор берилаяпти, — дейди Бўка тумани ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлими мудири Собир Султонов, — қурилаётган тадбирлар яхши самара бераётир. Туманда 22 та хўжалик бор бўлса, ҳозиргача шундан қарийб ярмида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда олдиндан тайёргарлик кўрилганлиги, кадрлар ҳар жиҳатдан кўриб чиқилаётганлиги туфайли кўп масалаларга ойдинлик киритилди. Муаммоларни ҳал этиш анча осон кечмоқда.

Малака синови жараёнида, айниқса, чорвачилик билан шуғулланувчи кадрларга қатъий талаб қўйилаётганлиги айни муддао бўлаяпти. Ҳисобот- сайлов йиғилишларининг ишчанлик вазиятида ўтаётганлигинг боиси ҳам шунда.

Бундай йиғилишлар ва очиқчасига суҳбатлар, ишнинг бошидан пухта қилинаётганлиги, ҳеч шубҳасиз, уюшқоқлик билан бошланган қишлоқ хўжалик йилининг барча соҳаларда муваффақиятли якунланишига замин бўлаётир.

Хотира

«ОТАНГИЗ ЯХШИ ОДАМ ЭДИЛАР...»

Эътибор берганмисиз, давраларда, тўй-маъракаларда, кўпни кўрган, табаррук отахонлар билан учрашиб, кўришиб қолсангиз, баъзида улар сизни таниёлмай «кимнинг ўғлисан, болам», деб қоладилар. Ана шунда сиз қаерда, қайси маҳаллада истиқомат қилишингизни, исмингизни, отангизнинг исми, касби-кори, ким бўлганлигини айтасиз.

— Бўлди, бўлди, танидим, — дейди отахон, — раҳматли отангиз яхши одам эдилар.

Сўнг улар ҳақидаги хотираларни ҳам айтиб берадилар.

Ана шунда, табиийки, эл-юрт таниган, ўзининг камтарона меҳнати билан обрў орттирган одамнинг фарзанди, зурриёди бўлганлигингиздан қалбингизда фахрланиш ҳиссини туясиз. Фарзанд учун бундан ортиқ бахт борми, дунёда!

— Биз, — дейди Зангиота туманидаги «Мустақил» жамоа хўжалиги хизматчиси Ўткирбек Олимбеков, — Усмонбек Олимбековнинг — яъни ҳаммамиз учун азиз бўлган отамизнинг тарбиясини олиб, у кишининг ўгитлари, васиятларига амал қилиб, кам бўлмадик. Ўн фарзанд эдик. Биримиз олим, биримиз ўқитувчи, биримиз хизматчи, яна биримиз ички идора ходими... Хуллас, ҳаётда ҳар биримиз ўз иқтидоримизга яраша ўз ўрнимизни топганмиз. Баҳоли қудрат отамиздек халққа хизмат қилишга, ҳамиша уларнинг руҳ-покларини шодлантиришга ҳаракат қилиб келаяпмиз.

Лекин яхши деган номни олиш ҳамма оталар учун ҳам осон кечмайди. Донолар айтишадики, киши ёшлигидан турмушнинг ачиқ-чучугини тотиса, тирикчилик ташвиши бошига эртароқ тушиб, бир бурда нонни ўзининг ҳалол меҳнати билан топиб ейишга ҳаракат қилса ва бу мақсади йўлида қийинчиликларни чидам билан енгиб ўтса, бундай одам катта бўлганида ҳаётнинг, энг муҳими, одамларнинг қадрига етадиган бўлади. Бундайлардан раҳбар чиққан тақдирда воқеаларга теран кўз, соғлом фикр билан қарайдилар. Сабаби, эзгулик уларнинг қалбига ёшлигиданоқ бир умрга муҳрланиб қолган бўлади. Усмонбек ака Олимбековнинг ҳаёт йўли биз учун ана шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади.

Шаҳримизнинг Оқмачит даҳасида таваллуд топган Усмонбек жуда эрта меҳнатга бўйин эгди. Чунки унинг отаси ниҳоятда камбағал, мардикорлик билан аранг кун кечирарди. Ўғли етти ёшга етгач, зора, ҳунар ўрганса, оилага ёрдами тегиб қолса, деган ниятда маҳалладаги косиблардан бирига шогирдликка берди. Лекин косибнинг ўзи афтодаҳол ҳаёт кечирарди. У ёш йигитчага ҳунар ўргатишдан кўра кўпроқ унга турли хил ёшига тўғри келмайдиган юмушларни буюриб, ўз ишларини енгиллаштиришни ўйларди. Ёш йигитча қийналар, зорланарди. Ҳатто бир куни онаси яширинча келиб ундан хабар олмоқчи бўлганда косиб аёлни қувиб солади: «Иккинчи бу ерга қадамингни босма, отаси менга суяги меники, гўшти сизники деб, тайинлаган».

Лекин Усмонбек хўрликларга ортиқ чидай олмади. У қочиб Тўйтепага қандай қилиб бориб қолганини ҳам билмай қолди. У ерда Пўлатбойга хизматкор бўлиб ёлланди. Ҳор-зорликда кун кечирди. Ёш йигитнинг онгида эзгуликка ўчлик, эҳтимол ана шу жараёнда шакллангандир. Шу туфайли ҳам у Қорасув туманида «Иқтисод» ширкати ташкил этилганида биринчилардан бўлиб унга аъзо бўлиб кирди: кетмон чопди, пахта экди. Кейин кексаларнинг маслаҳати билан шаҳарга бориб ўқиди, билим олди. Энди у ҳаётга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолди. 1931 йилда яна қишлоққа қайтди. Уни жамоа хўжалигига раис ўринбосари қилиб сайлашди. Бу ишда астойдил меҳнат қилди. Кўпчиликка танилди. 1933 йилда «Қизил қўйлиқ», «Ағроном» жамоа хўжаликлари бирлашди. Жамоанинг таклифи ва талаби билан йириклашган бу хўжаликка Усмонбек Олимбеков раис қилиб сайланди. Йиллар ўтган сари унинг раҳбарлик, ташкилотчилик салоҳиятининг янги қирралари очила борди. У хўжаликни юксалтириш учун бор тажрибаси, кучи, имкониятини ишга солди. Пахтадан юқори ҳосил олинганлиги учун у иттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг олтин медали билан тақдирланди.

Усмонбек аканинг ташкилотчилик, одамлар билан ишлай билиш, уларнинг қалбига йўл топа билиш қобилияти, айниқса, уруш йилларида бутун борлиги билан намоён бўлди. У туну-кун деҳқонлар билан, далада ишлаётган ёш-яланглар билан бирга бўлиб, бирга ишлашиб, бир қозондан овқатланиб, уларга далда бериб, ғалабага ишонтириб, руҳлантирарди. Шу зайлда у амалий меҳнати, модгидан ҳоли қилиб келган С—47 навининг синалиб ҳаётга йўлланма олишида Усмонбек аканинг муносиб ҳиссаси бор, десак хато қилмаган бўламиз.

Гап шундаки, олим Борис Павлович Строумал лаборатория шароитида етиштирган бу навни Усмонбек ака хўжалиги даласида синаб кўрмоқчи эканлигини айтганида, бажонидил бу таклифга рози бўлди. Ҳамма шарт-шароитларни яратиб берди. Доимо унинг ишидан хабар олиб турди ва деҳқонларга ҳам тайинларди: олим меҳнатининг юзага чиқиши сизларга ҳам боғлиқ, сизлар бу навнинг хусусияти, агротехникаси, афзаллик томонлари ҳақида ўз фикрларингизни очиқ-ойдин айтсаларингиз, ана шунда бу нав наф келтиради.

Эҳтимол, энг оғир, ишчи кучи танқис, турмуш кечириш мушкул бўлган йилларда ҳам ҳаёт-мамот экини бўлган пахтадан мўл ҳосил олинганлиги Усмонбек аканинг янгиликка ўчлиги, олим билан деҳқон ҳамкорлигига ниҳоятда катта эътибор берганлигидандир.

Дарвоқе, у ўз ҳаётини, тирикчилигини, кундалик турмушини бепоён далаларсиз, боғ-роғларсиз, содда, меҳнаткаш деҳқонларсиз сира тасаввур қила олмасди. Шунинг учун бўлса керак, Усмонбек акани 1943 йили туман ижроия комитетига раис қилиб сайлашга сайлашди-ку, бироқ, у ҳадеганда бу юксак лавозим билан элакишиб кетолмади. У билан бирга ишлаганлар шоҳидлик бериб, эслайдилар.

— Қалайсиз, райижроқўм бува, — деб сўраганда у киши гавдам бу ерда-ку, каллам жамоа хўжалигида, — деб жавоб берган эканлар.

Бир куни қизиқ воқеа бўлибди. У киши сессияда маъруза қилиш учун чиқибдилар. Қоғоздан бош кўтармай маърузани аранг ўқибдилар. Нафаслари оғзига тиқилиб, терлаб кетибдилар. Ниҳоят маърузани ўқиб тугатгач, уф, деб юборибдилар. Енгил нафас олибдилар.

— Очиғини айтайми, ўртоқлар, — дебдилар залга қараб. — Ҳабибулло ёзиб берган маърузани ўқиб бўлдим. Энди, майли десаларингиз ўзимнинг айтадиган дилимдаги гапларимни ҳам айтай.

Залда жонланиш, кулги кўтарилибди.

— Майли, айтинг!

Сўнгра у киши залга қараб тутилмай, тиниқ овоз билан лўнда-лўнда қилиб жамоа хўжалигини обод қилиш, пахтачилик, чорвачилик, айниқса, хўжаликнинг шухратини чет элларга ҳам ёйилишига сабаб бўлаётган йилқичиликни янада ривожлантириш, учқур отларни кўпайтириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини берилиб, айтиб берибдилар. Шунда залда қарсаклар янграбди.

Туман раҳбарлари тушуниб етишибдики, Усмонбек аканинг ўрни далада, жамоа орасида. У хўжаликка раҳбарлик қилса, ҳозирги лавозимда ишлагандан кўра кўпроқ фойда келтиради. Шунинг учун уни яна қайтариб, колхозга олиб бориб раис қилиб қўйишибди.

Усмонбек ака ҳаётда ўчмас из, кўплаб шогирдлар қолдирди. Улардан бири Туроб Нормуҳамедов Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Узоқ йиллар колхозга раислик қилган.

Шахсий нафақахўр, Усмонбек аканинг суюкли шогирди бўлган, узоқ йил туманда раҳбарлик лавозимларида ишлаган Турсунхўжа Ортиқхўжаев эслайди: «Сенга айтадиган гапим шуки, лоқайд бўлма, ҳаётда қоқилиб қоласан! Бирор фойдали қарор, фикрга келдингми, режа тўздингми, олдин уни пухталаб ол, сўнг охирига етказишга одатлан! Ана шунда обрўинг ортади, деб кўп тайинлардилар. Бу ўгитлар менинг ҳаётимни ўлчи олдуз бўлиб ёритиб турди.

Дарвоқе, бу юлдуз, бу шуъла Усмонбек ака билан бирга ишлаган инсонлар борки, уларнинг ҳар бири қалбига нур бўлиб йўғрилгандир.

Мана, йиллар ўтди, замонлар ўзгарди. Мустақиллигимизни амалий меҳнатимиз билан мустаҳкамлаяпмиз. Юртимиз, халқимизнинг келажаги учун жонфидо қилган азиз инсонлар қадр топаяпти. Шулардан бири энг оғир йилларда қишлоқ хўжалигининг дарғаси сифатида фидойилик кўрсатган, халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, ҳукуматнинг бир қатор юксак мукофотлари билан тақдирланган Усмонбек Олимбековдир.

Қишлоқ аҳли, кенг жамоатчиликнинг таклиф, истаклари инобатга олиниб, унинг номи абадийлаштирилди. Энг катта кўчалардан бирига номи қўйилди. Қўйлиққа кетаверишда Фарғона йўли деб аталган шоҳ йўлнинг 26-трамвайлар, 7, 45, 55-автобуслар қатнайдиган энг катта кўчанинг икки томонидаги деворларга қўйилган кўрсаткич тахталарда машҳур раис Олимбековнинг исми-шарифини ўқийсиз ва эл-юрт яхшиларнинг хизматини ҳеч вақт унутмаслиги, ҳамиша ёдга олиб, ҳамиша эзозлашига иймон келтирасиз.

Раҳимжон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Носир РИХСИЕВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЯНА ҲУЖУМ БОШЛАШДИ

Камбоджа миллий армиясининг 20 минг нафар аскари «Қизил кхмерлар» қароргоҳига ҳужум бошлади.

Пномпендан хабар берилишича, ҳукумат қўшинларига 50 тага яқин зеҳли техникалар ва артиллерия мадад бермоқда. Шунингдек, ҳукумат қўшинлари «Қизил кхмерлар»нинг мамлакат шимолида жойлашган «Миллий бирлик ва қутқарув вақтли ҳукумати» қароргоҳига ҳам ҳужум уюштирган. Ҳукумат қўшинлари ўтган йили ҳам исёнчиларга қарши кенг кўламда ҳужумлар уюштирган ва ҳеч қандай ҳарбий муваффақиятга эриша олмаган эди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАГИ ДАСТЛАБКИ САЙЛОВ

«Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида ва Ғазо секторида бўлиб ўтган сайловлар Фаластин мустақиллиги учун қўйилган дастлабки қадамдир», деди Фаластин озодлик ташкилоти ижроия раиси Ёсир Арафот.

Фаластин мухторияти кенгаши вакили Набил Абу Родейнанинг маълум қилишича, кенгашнинг илк мажлиси Ёсир Арафот раислигида 20 февралда, яъни Рамазон ойи тугагандан кейин чақириладиган бўлди.

ТИНЧЛИК ЎРНАТИШГА ТАРАФДОР

Исроил ташқи ишлар вазири Эҳуд Барак ўз мамлакатининг Сурия билан тинчлик ўрнатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлади.

Унинг айтишича, яқин кунларда АҚШда ўтадиган Президент ва Исроилдаги парламент сайловлари тинчлик жараёнининг боришига салбий таъсир этмайди. Шунингдек, у АҚШнинг Мэриленд штатида ҳарбий синчилар иштирокида бошланадиган Исроил—Сурия музокараларига муносабат билдириб, музокараларнинг навбатдаги босқичи ўзаро хавфсизликни таъминлашда ижобий натижалар бериши мумкинлигини айтди.

САМОЛЁТНИ ЎЗЛАРИ ЯРАТИШАДИ

ЖАКАРТА. Индонезия яқин давр ичида ўз миллий самолётларини ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Шу давргача мамлакат миллий самолётсозлик компанияси лицензия асосида чет эл фирмалари маҳсулотларини ишлаб чиқараётган эди.

Индонезия миллий самолётсозлик компанияси президенти Херу Сантозонинг таъкидлашича, лойиҳалаштирилаётган «РА—1» ва «РА—2» русумли янги самолётлар 70 нафарга яқин йўловчини ташишга мўлжалланган. Компания президенти 1997 йил июнь ойида Жакартада бўладиган «ИАШ—2» халқаро авиация кўргазмасида ана шу янги самолётлар ҳам намойиш этилишини айтди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

АНҚАРА. Туркия Босния ва Герцоговинани газ билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун ушбу мамлакатга зудлик билан 6 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам беришга қарор қилди.

Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, Боснияда газ билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга камида 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ талаб қилинади.

* * *

БОНН. «Зюддойче Цайтунг» газетасининг ёзишича, Россиянинг бўлажак президенти лавозимига ягона муносиб номзод бу — Борис Ельцин-дир. Мабодо бирон-бир сабаб билан Президент ўз номзодини илгари сура олмаса, умуман Президент сайловини ўтказиш муаммо бўлиши ҳам мумкин, дейилади ушбу мавзуга бағишланган мақолада.

* * *

МОСКВА. Россия оммавий ахборот воситалари «Аврасия» кемасининг Сочига қайтиб келиши ва Первомайскоедаги воқеаларнинг натижаларини шарҳламоқда. «Комсомолская правда» газетаси, «Турклар терроризмга қарши қандай курашиш кераклигини Кремлга кўрсатиб қўйди», деб ёзади. Мақолада кемада гаровга олинганларни озод этиш бўйича бирорта ҳам ўқ ишлатилмагани, Россиядан фарқли ўлароқ, жиноятчилар Туркия қонунлари олдида жавоб бериши таҳсинга лойиқлиги таъкидланган.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон нефт ва нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ҳиндистон нефт корпорациясининг Осиёдаги 100 та энг кучли тижорат ва саноат компаниялари қаторидан жой олгани бежиз эмас. Гонконгда чиқадиган «Азия уик» ҳафтаномаси дунёдаги газ ва нефт билан шуғулланадиган корхоналар орасида мазкур компанияга, ҳатто, тўқ-қизинчи ўринни берди.

* * *

ҚОБУЛ. Афғонистон ҳукуматига мухолифатда бўлган «Толибон» ислом ҳаракати раҳбарлари мамлакат Президенти Бурхониддин Раббонийнинг рамазон ойида вақтинчалик ўқ отишни тўхтатиш ҳақидаги таклифини рад этди.

«Толибон»нинг расмий вакили Масъум Афғоний, толиблар Президент Раббоний ҳукуматини қурол ёрдамида ағдариб, бутун мамлакатда ҳақиқий ислом давлатини барпо этмагунча урушни давом эттираверишини таъкидлади.

Айни вақтда Қобул радиоси «Толибон» ҳарбий бўлинмаларининг мамлакат пойтахти ва ҳукуматга содиқ бўлган ҳарбий қисмларни ўққа тутгани ҳақида хабар берди.

* * *

ДЕҲЛИ. 1994 — 1995 йилги мавсум яхши кечиши натижасида Ҳиндистонда 192 миллион тонна шоли етиштирилди. Бу мамлакат озиқ-овқат заҳираси учун керакли бўлган шоли миқдоридан 13,5 миллион тонна кўпдир. Шу боис, Ҳиндистон ҳукумати жорий йилда четга гуруч экспорт қилиш миқдорини яна бир миллион тоннага оширишга қарор қилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳиндистон тарихида шолидан илк бор бундай мўл ҳосил олинди.

* * *

ТОКИО. Япония ҳукумати Босния ва Герцоговинада ваколатхонасини очишга қарор қилди.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Япония Босния ва Гецоговинани мустақил давлат сифатида тан олган пайтдан бошлаб ваколатхона очишни мўлжаллаган. Япония ахборот воситаларида эса мамлакат январь ойининг охиригача Боснияни тан олиши мумкин, деб таъкидланмоқда.

РАСМИЙ ТАШРИФ

Украина парламенти раиси Александр Мороз уч кунлик расмий ташриф билан Литвага келди. У сафар чоғида мамлакат Президенти Альгирдас Бразаускас, бош вазир Адольфас Шлежявичос ва бошқа расмий кишилар билан учрашади. Шу жумладан, А. Мороз Литва сейми раиси билан ҳам учрашиб, икки мамлакат парламентлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги меморандумни имзолашни ҳам режалаштирган.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

Жанубий Кореяда Рихтер шкаласи бўйича 4,2 балл куч билан ер силкинди. Зилзила мамлакатнинг барча ҳудудида рўй берди. Вайронагарлик ва ҳалок бўлганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Мутахассисларнинг ҳисобича, зилзиланинг маркази Япон денгизида жойлашган.

ОДАМХЎР ЙЎЛБАРС ҲУЖУМИ

Приморье ўлкасида одамхўр йўлбарс пайдо бўлди. Йўлбарс қишлоқдан сўқмоқ орқали темир йўл бекатига кетаётган эр-хотинга тўсатдан ташланди. Йиртқичнинг панжасидан зўрға қутулган аёл одамларни ёрдамга чақириб келди. Аммо аёлнинг умр йўлдошини қутқариш учун вақт ўтган эди. Чунки, йиртқич уни чавақлаб, аллақачон кўздан ғойиб бўлган эди. Бироқ, туман милицияси бир неча соатдан сўнг одамхўр йўлбарсни тайгадан топиб, отиб ўлдирди.

Олимларнинг фикрича йўлбарслар қишнинг изғирин пайтларида озуқа излаб аҳоли яшайдиган ҳудудга яқин келар экан. Бундай ҳол эса сўнгги марта саксонинчи йиллар ўртасида рўй берган эди.

(ЎзА).

ОҚҚЎРҒОН автобус-таксомотор саройи жамоасида моҳир ҳайдовчи Шавкатжон Омонқулов номини доим ҳурмат билан тилга оладилар. Ўн йилдан бери шу корхонада сидқидилдан ишлаб келаётган ҳайдовчи меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқда.

Ҳ. АВВАЛОВ олган сурат.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ҲИНДИСТОН»

Ҳиндистон пойтахти Деҳлида «Марказий Осиё ва Ҳиндистон» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда кўплаб мамлакатлар вакиллари қатори ўзбекистонлик олимлар ҳам иштирок этди.

Республика халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раҳнамолигида тузилган мамлакатимиз делегацияси таркибида А. Қосимов, Г. Ҳидоятов, Р. Иномхўжаев каби шарқшунос ва тарихчи олимлар, Ўзбекистон Республикаси қўмас мулк ва хорижий инвестициялар миллий агентлиги бош директори Б. Турсунов, Бобур номидаги халқаро жамғарма президенти З. Машрабов бор эди.

Конференция Ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, маданий, маърифий ҳамкорликни ривожлантириш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланди. Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги тарихий алоқалар, Бобур ҳамда бобурийлар сулоласининг Ҳиндистон тарихида тутган ўрни ва бошқа мавзуларда қизиқарли маърузалар тингланди.

Айни пайтда тадбир қатнашчилари ўзбекистонлик олимларнинг Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги коммуникация тармоғини ривожлантириш, ахборот алмашиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, сармояларни рағбатлантириш борасидаги маърузаларини қизғин кутиб олдилар.

(ЎзА).

ҲАФТАЛИК TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 9-қисм.
9.15 «Италия таассуротлари». 1-кўрсатув.
9.40 «Қуёшдан нур эмган диёр».
10.10 «Минтақа кино санъати». Марказий Осиё кино ижодкорларининг семинари.
10.40 «Анъана ва замон». Наманган ёр-ёри.
11.10 «Кема уч соат туради». Бадиий фильм.
12.25 Лирик концерт.
12.55—14.05 «Кулойим». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.

Публицистик кўрсатувлар дастури:

18.10 1. «Юксалиш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 2. «Биржа ва банк хабарлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 3. «Вақт хиёбонида».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 10-қисм.
22.10 «Вақт хиёбонида» туркум кўрсатувининг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.20 «Қўшиқ шайдоларига». Жўрахон Раҳимов куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.45 «Палитра».
19.15 ТВ II намойиш этади.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Мўъжиза». Дэвид Копперфильд.
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 ТВ II намойиш этади.
21.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.45—23.30 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Муҳаббат». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.05 «Шоҳсупа сари».

IV

17.05 «Кўзмунчоқ».
17.35 «Тошкент халқаро мактаби».
17.55 «Батилиман». Телефильм.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тафсилот».
20.15 «Янги иқтисод».
20.50 «Салом, Франция!».
21.25 Замонавий камер куйларидан концерт.
21.55 Эълонлар.
22.00 «СПОРТ-ТАЙМ».
22.30 «Ер» сайёраси.
23.10 — 23.40 «Тақдирлар».

СЕШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 10-қисм.
9.10 «Ҳаёт мазмуни». Кинодастур.
9.55 Эстрада тароналари.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Информатика.
11.00 Немис тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Эъзоз».
12.35 Болалар учун. «Умид учқунлари».
13.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Қишлоқларимиз келажаги кичик корхоналарда.
13.30—14.55 «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Кеча ва бугун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Янграсин шўх яллалар».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 11-қисм.
22.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.20 «Ёшлар билан юзма-юз». Илк туйғулар...

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йўлка».
20.15 «АРТ — журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Видеогид».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинонигоҳ».
23.00—24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Машинист Маъруповнинг иш куни». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси
21.30 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

IV

17.05 «Иштирок этувчилар». Санъат арбоблари ҳақида кўрсатув.
17.35 «Дўстлик чегара билмайди».

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.15 — 00.05 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 11-қисм.
9.15 «Саньат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов.
10.25 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Севги рақси».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Умумий биология.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.25 «Ғалати гаров». Бадиий фильм.
13.40—15.40 «Бешинчи давон». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўйинқароқ болалар». Мультфильм.
18.20 Спорт хабарномаси.
18.35 «Фермер». Ўрта Чирчиқ туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги.
18.50 «Саньат олами». Рассом Муборак Йўлдошев.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Р. Мадатов. «Уч оғайни ботирлар». Телеочерк.
21.25 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 12-қисм.
22.10 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
22.50 Ўзбек телесериали: Режа ва муаммолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.30 «Ёшлар билан юзма-юз». Илк туйғулар...

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер—Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Доктор Гелиос», «Бешик тўй». Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Минтақа кино санъати». Марказий Осиё кино ижодкорларининг семинари.

IV

17.05 «Дунё ва болалар».
17.35 «Кобзар йўллари», «Қишлоқда ўтган болалик». Телефильмлар.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Гули Ҳамроева таклиф этади...». Ўзбекистон халқ артисти ижодий кечаси. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
21.00 «Кимга қанақа?».
21.45 «Тошкент оқшоми».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.15 «Телбалик оқибати». Бадиий фильм.

ПАЙШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 12-қисм.
9.15 «Маҳалламиз болалари».
10.10 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий дастур.
10.40 «Ўқитувчилар, Сизлар учун».
11.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Шайхонтоҳур».
11.30 Инглиз тили.
12.00 «Соғломжон-полвонжон». Жиззах ва Чирчиқ шаҳар боғча болаларининг спорт ўйинлари.
12.45—14.05 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм.
18.20 Э. Неъматов. «Бахмал тонгларим». Телеочерк.
18.55 «Фан уфқлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳаёт ва қонун».
21.25 Рамазон қўшиқлари.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 13-қисм.
22.15 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
22.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Моваруннаҳр».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—00.50 «Ўхшаш чеҳралар».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Хай-Фай» («Юқори сифат»).
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Сизнинг услуб».
21.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 —00.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Тет-а-тет». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Галина Мельникова.

IV

17.05 «Рок-сеанс».
17.40 «Бола йўқолди». Телевизион бадиий фильм.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кинематограф».
22.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 — 23.55 «Бу бўстон аро...».

ЖУМА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 13-қисм.
9.10 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов куйлайди.
9.50 «Ўхшаш чеҳралар».
10.50 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
11.20 Немис тили.
11.50 «Аскар мактублари».
12.20—13.30 «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Буюк ёпилиш». Мультфильм.
18.20 «Табиат шайдолари».
18.50 Мусиқий дақиқалар.
19.05 «Елкин».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ҳаёт ва қонун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Аксс-садо». Қуддус Аъзамовнинг муаллифлик кўрсатуви.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 14-қисм.
22.15 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.45 «Юлдузлар ёғдуси». Спорт дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50—01.00 «Зиёбахш умр». Бўрибой Аҳмедов.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ривоят».
18.20 «Жума тақвими».
18,25 «Дунё харитаси». Жанубий Африка Республикаси.
18.45 «Эртага — шанба».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «RAKS» қўшиқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Тасвир».
21.20 «Таманно».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Абу Али ибн Сино». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Карнай навоси». Телефильм.

IV

17.05 «Алан». Фильм-концерт.
17.45 «Тоғ ўлкаси». Телефильм.
17.55 «Китоб растаси».

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Афғон тупроғидан қайтган бахдирлар». Афғонистондан қўшинлар олиб чиқиб кетилганлигининг 7 йиллигига бағишланган кўрсатув.
20.40 «Мусиқий меҳмонхона».
21.20 «Бизнес-академия».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Кайфият». Дам олиш дастури.
22.30 — 00.10 «Менинг охирги тангоим». Бадиий филм.

ШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 14-қисм.
9.10 «Замон».
9.25 «Қалб қаноти». Ёқубжон Шукуров.
9.55 «Нафосат». Кинодастур.
10.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
11.10 «Халқ ижодиёти».
11.40 «Юлдузлар ёғдуси». Спорт дастури.
12.20 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.50—14.00 «Махбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бўғдойзордаги уйча». Мультфильм.
18.15 Спорт хабарномаси.
18.25 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
21.35 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 15-қисм.
22.15 «Обид-А» театри билан учрашув.
23.15 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Автосалон».
9.45 «Хай-Фай» («Юқори сифат»).
10.00 «Сизнинг услуб».
10.15 Жаҳон киноси юлдузлари.
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 «Кинонигоҳ».
12.45—13.45 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

* * *

18.00 «Совға».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео— «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.40

*

Россия давлат телевидениеси
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 24.00 «Халқ куйларини қалбингда сақла». Телефильм.

IV

10.00 «Олтин калитча». Болалар учун фильм.
11.20 Эълонлар.
11.25 «Безнен мирас» (татар тилида).
12.05 «Тадбиркорлар мактаби».
12.30 «Турналар». Телефильм.
13.00 — 14.25 «Қора ўқ». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм. I-серия.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташирриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «5+1». Артист М. Холмедов билан мулоқот.
22.00 «Олам ва одам».
22.35 — 23.05 «Янги технология дўкони». Янги компьютер технологияси.

ЯКШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 15-қисм.
9.10 «Шоҳрух» клуби.
9.40 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
10.00 «Ватанимга хизмат киламан».
11.00 «Қамалак». Болалар учун кинодастур.
12.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
13.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
14.45 — 16.15 «Кўркувнинг давоси». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 «Хазина».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Италия таассуротлари». 2-кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Муборак Рамазон туҳфаси: «Муҳаммадун Расуллуллоҳ». 2-фасл. 16-қисм.
21.50 «Тимсол» видеоканали.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.50 «Якшанба оқшомида».

II

9.00 «Ривоят».
9.05 «RAKS» қўшиқлари.
9.40 «Олам».
10.25 «Оҳанглар оғушида».
10.30 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
11.15 «Имкон чўққилари».
11.35 «Кўнгил».
12.00 Видео янгиликлари.
12.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 Видео — «О».
14.20—15.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

* * *

18.00 «Келгуси ҳафтада».
18.10 Эълонлар.
18.15 «LEGO» сайёраси». Болалар учун дастур.
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Салом, ёшлар!».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Илҳом сатрлари».
21.10 «Фармед».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Шаҳс ва баҳс».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Самарқандниг мовий гумбазлари», «Қўқон ёдгорликлари». Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 22.50

*

Россия давлат телевидениеси
22.50 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама» (рус тилида).

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 «Менинг қўчам...».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Оддий мўъжиза». Телефильм.
13.20 — 14.50 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.

* * *

17.00 «Ўғирлик». Бадиий фильм. 2-серия.

*

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Кинематограф».
21.35 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.55 «Сахий ҳонадонда».
22.35 «Эллада».
23.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.
23.25 «Бу ажиб дунё».
23.45 — 23.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

Маданият янгиликлари

Қуйичирчиқ

«ЮЛДУЗЛАР»НИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

«ЮЛДУЗЛАР» ашула ва рақс дастаси Қуйичирчиқ туманидаги энг сара ансамбллардан ҳисобланади. Ижодий жамоанинг ҳар бир концерт томошаси ҳамиша мухлислар билан гавжум ўтади. Ансамбль тақдим этган «Ватанимни қуйлайман» деб номланган янги концерт томошаси ҳам шинавандаларни хушнуд этди. Ижодий жамоа Ватан, унинг бепоён сарҳадлари тараннум этилган дастурни катта маҳорат билан саҳнага олиб чиққанлар. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Солижон Пўлатов ва Маликахон Пўлатовалар тайёрлаганлар.

ЎЗБЕКИСТОН ГУЛЛАГАН ДИЁР

Тумандаги «Гулрух» ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоаси ҳам бир неча йилдирки, ранг-баранг концерт томошалари билан санъат шинавандаларининг эътиборини қозониб келмоқда. Ансамблнинг ҳар бир концерт томошаси катта қизиқиш билан кутиб олинади. «Гулрух» дастаси намойиш эта бошлаган «Ўзбекистон гуллаган диёр» деб номланган адабий-мусиқий дастур кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ўзбекистоннинг беқиёс боғлари, меҳнаткаш кишилари, янгиланиш, яратиш ишқи билан ёниб яшаган халқимиз, истиқлол тараннуми маҳорат билан саҳнага олиб чиқилганлиги билан ҳам таҳсинга сазовордир. Ансамбль иштирокчиларидан Қамбарали Зоиров, Ғайрат Абдуллаев, Бахтиёр Султонов, Орифжон Абдураимовларнинг ижролари дастурга файз бағишлаган.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Туман марказий маданият уйида ёшлар ўртасида «Ғолиб—96» деб номланган шашка бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда қатнашган элликдан зиёд иштирокчилар ўзларининг маҳоратларини намойиш этдилар. Биринчи ўрин Саодат Рустамова ва Асангали Оққуловларга насиб этди.

Иккинчи ўринга эса Женя Ким ва Манзура Мақсудовалар лойиқ деб топилди. Учинчи ўринни Берик Саимқулов ва Моҳира Узоқовалар қўлга киритдилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

РЎЗАИ-рамазон кунларида дийдор кўришиш, ҳол-аҳвол сўрашиш, Яратгандан омон-эсонлик тилаш, бугунги тинч ва хотиржам ҳаётимизга шукроналар айтиш, бу отахонларга одатий бир ҳол. Қадр-қиммат, одамийлик, бир-бирларига бўлган иззат-ҳурмат ёшларимизга ҳаёт дарси бўлиб хизмат қилади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТАЛАБАЛАР ТАНЛОВИ

Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш жамғармаси Ватанимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб талаба ва ўқувчилар ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним, ифтихорим ва шон-шарафим» мавзуидаги энг яхши шеър, публицистик мақола ва тасвирий санъат асарлари танловини эълон қилди.

Танлов Ўзбекистон истиқлолининг беш йиллиги арафасида якунланади.

(ЎзА).

БОЛАЛАРГА ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик-танлови низомида болалар боғчаларида, мактабларда жўр бўлиб куйланадиган оммавий қўшиқларга алоҳида эътибор берилиши қайд этилган. Шу мақсадда халқ таълими вазирлиги бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда хайрли иш бошлади: янги қўшиқлар тўпламини тайёрлашга киришди. Кўзга кўринган болалар шоир ва бастакорларига буюртмалар берилди.

Куни кеча бастакорлар уюшмасида тўпламга кирувчи асарлар муҳокамаси бўлди. «Булбулча» болалар хор жамоаси янги қўшиқлардан намуналар ижро этди. Қўшиқлар тўплам шаклида вилоятларга тарқатилади.

(ЎзА мухбири).

Билиб қўйган яхши

УЙИНГИЗДА ДОРИ БЎЛМАСА БОДГА ЧАЛИНСАНГИЗ

● Бел ва тиззаларингизга янги карам барғидан қўйиб, чит билан бойлаб ташланг. Устидан эса иссиқ шарф билан ўраб қўйинг.

ЛИМОН

● Лимон минерал тузларга, С витамини ва лимон кислотасига ғоят бойдир. Шу хусусияти сабабли организм учун фойдали ҳисобланади.

Лимон шарбатидан атеросклероз, бавосил, ошқозон-ичак касалликларига чалинганда, сийдик йўлига тош келганда, модда алмашинуви бузилганда фойдаланиш мумкин. Уни одатда ярим пиёла сувга яримта лимоннинг шарбатини аралаштириб кунига икки-уч марта ичилади. Шунингдек янги сабзавот аралашмасига қўшиб, аммо тузсиз тановул қилиш ҳам мумкин.

Лимон шарбати билан оғиз ва бўғиз шамоллаганда, ангина билан оғриганда томоқ чайилса фойдаси кўп бўлади. Тери замбуруғли касалликка чалинганда лимон суртсангиз тузалади.

ГРЭЙФРУТ

● Нонушта, тушлик ва кечки овқат олдидан бир стакандан грэйфрут шарбатини ичиш америкаликлар учун одат бўлиб қолган. Шу сабабли улар ўзларини ҳамиша бардам сезадилар.

А, Б, Д, Р, С витаминларига ғоят бой бўлган грэйфрутгина биоген кимёвий бирикмаларига эга. Бу эса унга шифобахшлик хусусиятини берган. Замонавий медицина дармонсиз кишиларга ҳам, соғлом, аммо ҳориган кишиларга ҳам герйфрутни тановул қилишни тавсия этади. Агар грэйфрут таъми сизга аччиқроқ туюлса уни шакар билан ейиш мумкин.

ҚАЙНОНА ҚАДРИ

ХАЛҚДА «қайнонали келин қарқара, қайнопасиз келин масхара» деган нақл бор. Келинлар бунга қанчалик тан оладилар, ёки... йўқ қайнона тарбиясини кўрганлар бошқачароқ бўлишади.

Муомаласи, юриш-туриши дегандай. Овсиним Гулбаҳор иккаламиз тўйдан бир ҳафта ўтибоқ мустақил яшаганмиз. Менга қолса бунга сираям кўнмаган бўлардим. Афсус, биз Тошкентда, қайнонам эса узоқ Қарши шаҳрида бошқа овсинларим билан турадилар.

Хўш, қайнонасиз яшаш яхшими? Ёмон, жуда ёмон. Мен буни эҳтимол минг марта ҳис қилгандирман. Тўнғичим туғилганда боланинг қулоғига пахта тиқмай чўмилтирганим, сув кириб оғригач азобланганларимни эсласам... Қозон овқатга энди кирган болага бир дунё овқат бериб бўктириб қўйганларим... Ҳадеб асал чой, мураббо беравериб кенжамнинг ширинини озроқ ошириб қўйганларим... Ҳаммаси қайнонасиз яшаганлигим оқибати эмасми? Талаба келин бўлганлигимдан рўзғор тутишу, меҳмон кутиш сирлариниям ҳар кимдан ярим-ёрти ўргандим — қайнона назоратисиз, ўлчовсиз. Овсиним Раъногонбону эса ҳар гал меҳмонга борганимда юрагимга ўт қалайди:

— Буни бийим (қайнонам) айтганлар, бийим ўргатганлар, — деб.

Унга ҳам ҳавасланиб, озроқ ҳасадланиб ҳам қарайман. Ахир билмаганларини ўргатадиган қайнонам бор-да, унинг олдида. Қолаверса, йиллардирки, то болаларим бўйи чўзилиб, эшик зулфига қўли етгунча ишдан сўнг мени қоп-қоронғи уй кутиб оларди. Чироғни ёққунимча юрагим тарс ёрилай дерди. Қишнинг қаҳратонларида, ёзнинг жазирамасида уйимнинг эшигини момақаймоқдайгина бўлиб қайнонам очса эканлар, деб орзуланардим.

Менинг ҳаётимда бўлиб ўтган иккита воқеа ҳам қайнонасиз келинлигимдан юз берган. Ишонаман, улар менинг ёнимда бўлганларида сира бундай кўнгилсизлик бўлмасди.

Биринчиси. Тошкент қозонида оилавий бўлиб қайнай бошлаганимизнинг бешинчи йили эди. Хавос кўчасида фарғоналик бир амакининг тор кулбасида ижарага турардик. Ўша йили қиш эрта тушди. Ярим ғишт уриб қурилган хона эрта кузданоқ музлатгичга айланди, қолди. Эшик, деразаларга ҳарчанд одеял устига одеял қоқмайлик, эви бўлмади. Кўринмас совуқ тирқишлардан қутурган туядай бостириб кирарди. Эрта саҳардан печга ўтин қалаб зўрға жон сақлаймиз. Бир куни ётиш олдидан темир печга бир бўлак кўмир ташладим.

Ярим кечаси бешикда ётган қизчам ғингшиб бошлади. Тебратдим — бўлмади. Эмизигини бердим — кўнмади. Чироғни ёқмоқчи бўлиб ўрнимдан турдиму бошим ғувиллаб кетди. Хона кўмир исига тўлган эди. Жонҳолатда эшикка ёпишдим. Ташқарида гупиллатиб қор ёғарди. Ютоқиб нафас олдимда, қайтиб кириб бешикни даст кўтариб ташқарига олиб чиқдим. Каравотида ухлаб ётган ўғилчамни ҳам кўрпасига ўраб қор устига ўтирғизиб қўйдим. Гал болаларимнинг отасига келди. У киши ҳаммадан кўп заҳарланган эканлар. Бир амаллаб суяб турғизувдим, гурсиллаб полга йиқилдилар. Уй эгаларини безовта қилиш ноқулай бўлиб ўзим сургиладим. Ташқаридаги стулга ўтирғизиб юз-кўзларига қор ишқаладим. Тоза ҳавода уччалови ҳам ўзларига келишди. Аммо иснинг таъсиридан неча кунгача бошимиздан оғриқ кетмади. Агар қизим безовталанмаганда-чи? Унда нима бўларди.

Иккинчиси. Қиш совуқлигидан ғамлаган ўтин-кўмиримиз тез туғади. Кўмир омборига борсак бир дунё навбатни кўрсатишди. Жон сақлашга ҳеч чора йўқ. Қизим қаттиқ шамоллаб даволаниб ҳам олдик.

Дилдаги гаплар

Бир куни уйнинг эгаси мени чақириб қолди:

— Келин, мана бу қўшни биздан беш-ўн замбил кўмир қарз. Сўрамасак бўлмайди.

Биринчи челак кўмирданоқ печни ёқдим. Қизим бешикда ухлаб ётар, уч яшар ўғилчам машинасини ўйнаб ўтирарди.

— Болам, печга яқинлашмагин, — дедим боламга.

Қўшниникига беш-ўн марта қатнадик. Кўмир кўтариб деразамизнинг тагидан ўтаётиб ногоҳ шовқин қулоғимга чалинди. Кўлимдаги пақирларни ерга қўйиб деразага яқинлашдим. Қизим биғиллар, ўғилчам товушининг борича додларди. Отилиб хонага кирувдим, бўғзимгача тутун, куйинди исига тўлдим. Биринчи ёпишганим бешик бўлди. Ё, худо, асраганинг рост бўлсин, илойим, бешикнинг остидаги яп-янги сатин кўрпача ярмигача куйиб-тутаб ётарди. Кўрқувдан кўзлари олайиб кетган, тинмай йўталаётган ўғлимни кўтариб ташқарига олиб чиқдим. Тутаётган кўрпачани қорнинг устига ташладим. Кейин билсам машинадан зериккан ўғлим рўмолчасини печнинг кулдонига ташлаган. Рўмолча тутай бошлагач қўрққанидан синглиси ухлаётган бешикнинг тагига яширган экан...

...Йиллардирки, бир ҳолатни кузатаман. Учта келин йиғилса албатта иккитаси қайнонасини ёмонлайди. «Ундай дедилар, бундай дедилар». Ундоқ дегандаям, бундоқ дегандаям ёнингда қайнонанг бўлсин экан. Ўгитлари — ёмон бўлгин дегани эмас-ку, танбеҳлари — душманликдан эмас-ку. Фақат бу ҳаракатлар ўз онамизникидан кўра оғирроқ ботади, холос.

Ахир, қайнонам ёнимда бўлганларида «Болам, ётиш олдидан печга кўмир солманг, чала қолиши бор» ёки «ёш болаларни қаровсиз қолдирманг, болалигига бормасин тағин» демасмидилар. Албатта, айтган бўлардилар, Ёки ёлғиз гўдакларимга эртак айтиб овутиб турган бўлардилар. Қолаверса, момоси бағрида улғайган болалар — жиянларимга ўхшаб бошқачароқ — меҳрлироқ бўлишади. Улуғбекжон, Сирожиддин, Ҳусниддинжонларга ўхшаб.

— Момомни бир кўриб келай деб келдим, — дейишганида онам қанчалар суюнадилар-ку.

Болаларим ҳам улғайиб қолишди. Ишдан қайтганимда:

— Ассалому алайкум, аяжон! Яхши келдингизми? — деб кутиб олишади. Мен эса беихтиёр ичкарига мўралайман:

— Ассалому алайкум, аяжон! Яхши ўтирибсизми? — дегим келади.

Гулжаҳон МАРДОНОВА.

Ўқинг, бу қизиқ: ҳайратланасиз, ёқа ушлайсиз

60 МЕТРЛИ МЕДУЗА

Бунга ишонмаслигингиз мумкин, чунки узунлиги одатда 40 сантиметр атрофида бўладиган медузаларнинг шунчалик ҳайбатли бўлиб кетиши...

ХАЁЛИЙ бир нарсага ўхшайди. Аслида эса бунинг турган-битгани ҳақиқат. Бермуд ороллари яқинида топилган шундай жониворлар тропик ороллар яшовчиларга доим хавф солмоқда. Унинг заҳарли пайпаслагичлари ўнларча кишиларнинг ўлимига сабабчи бўлди.

Олимлар узунлиги 60 метрга борадиган бундай медузалар ҳалокатга учраган совет сув ости кемасидан сизиб чиқаётган радиоактив моддалар ҳосиласидир, деб ҳисобламоқдалар. Бундай ғайритабиий жониворлар Бермуд ороллари ёнида пайдо бўлиб, ҳозирги вақтда кучли уммон оқимлари билан Қўшма Штатларининг шарқий қирғоқлари томон бормоқда. Улар дельфинлар, сувда чўмилаётганларнинг жонларига қасд қилмоқда, ҳатто унча-мунча балиқ овлаш қайиқлари ва яхталарга ҳужум қилмоқда.

Мутахассислар ҳаводан кузатишлар олиб борганларида бир неча кун ичида 200 тадан ортиқ шундай медузаларни кўрганлар.

ЁНАДИ, ЛЕКИН ҚУЙМАЙДИ

ҚУДДУС шаҳрида яшовчилар ва меҳмонлар ғаройиб шундай воқеанинг шоҳиди бўлдиларки, ҳайратланганликларидан ёқа ушлаб қолдилар.

ҲАТТО уни кўрган олимлар ҳам бу жумбоқнинг сабабларини аниқлашга ожизлик қилмоқдалар. Бута ёниб турар экан ҳарорати 1000 градусгача боради, аланга эса соат миллари каби бир томондан иккинчи томонга сурилади, бироқ шохлари ва баргларига ҳеч қандай зарар келтирмайди, улар аслидагича яшил бўлиб тураверади.

— Нима дейишга ҳам ҳайронман, — дейди бутани пайдо бўлган вақтдан бери ўрганаётган руҳоний ва олимлардан бири, — бу кичкина бута физика қонунларига қарши чиқмоқда. Бутани бир неча соат давомида тадқиқот қилдим, бироқ аланга унинг илдизларига ҳам, танасига ҳам, шохлари ва барларига ҳам ҳеч қандай зарар етказмаган. Шуниси ҳам ажабтовурки, аланганинг баландлиги 1,5 метрга, ҳарорати минг градусгача етади. Мен, шунингдек, бута ўсаётган жойдаги тупроқ ва ҳаво таркибини текширдим, лекин аланга сабабчиси бўладиган бирорта нарса, жумладан табиий газ ҳам йўқлигига қаноат ҳосил қилдим.

Руҳонийлар эса уни ўзларича шарҳламоқдалар. Уларнинг гапига қараганда, худо бундан икки минг йил илгари Мусо пайғамбар билан ёнаётган бута ёрдамида гаплашган экан. Ҳозирги нотинч вақтда унинг одамлар билан гаплашгиси келиб қолган бўлиши мумкинлигини ҳам қайд этишмоқда.

УЙ ЭМАС, ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Бельгиянинг пойтахти Брюсселда истиқомат қилувчи бир гуруҳ хонадонлар эгалари қўшниларинникида шовқин-сурон доим бўлиб туриши, бу уларнинг осойишта турмушига ҳалақит бераётганлигидан шикоят қилиб, полициячиларга мурожаат қилдилар.

ПОЛИЦИЯЧИЛАР бу хонадонга келиб ичкарига киришлари билан ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Бу уй худди ҳайвонот боғини эслатарди. Икки хонали уйда учта сиртлон, йигирматага яқин илонлар, ҳатто вазни бир тонналик каркидон ҳам яшар экан.

Уй соҳиби Питер Эванс ҳайвонот боғининг собиқ директори бўлганлиги аниқланди. Афтидан у ҳайвонларни полициячилар келадиган кундан тўрт ой муқаддам ҳайвонот боғидан ўғирлаган ва ўз квартирасида яширган.

Ҳайвонлар яхши ҳолатда эди. Уй соҳиби уларни яхши парвариш қилгани кўриниб турарди. Ҳайвонот боғидан чақирилган вакиллар жониворларни қайтариб олиб кетдилар.

ИККИ МЕТРЛИ КАПАЛАК

Бунга ишониш албатта, қийин. Лекин биз ниҳоятда кичик бўлади деб ҳисоблаб юрган капалакларнинг шундай баҳайбатлари ҳам бор экан. «Умумжаҳон янгиликлари» жаридасида шу ҳақда ёзилган.

МАРКАЗИЙ Арканзасда истиқомат қилувчи фермер Билли Кинер уни ўз фермаси устида беш метр баландликда парвоз қилиб юрганида тўппончаси билан отиб туширган. Қанотларини ёйиб кўрганда ўзи ҳам ҳайрон қолди. У 185 сантиметр эди. Мутахассислар уни тортиб кўришганда вазни тўққиз килограммли тошни босган. У шу вақтгача табиатда учраган барча капалаклардан ҳам катта, ҳам оғир эди.

— Мен катта капалакларни Марказий ва Жанубий Америкада учратганман, бироқ уларнинг бирортаси ҳам бу капалакка яқин келаолмайди, — дейди ҳашоратлар бўйича мутахассис Жон Кент. — Алабатта, капалаклар зарарсиз, бироқ улар қанот ҳосил қилиб парвоз қилишдан олдин қурт бўлганлигини унутмаслик керак. Бундай катта қуртлар эса жуда катта зарар келтириши мумкин. Чунки улар экинлар билан озиқланади ва бир неча соат ичида бутун бир фермани шип-шийдан қилаолади.

35 ЁШ УМР ЧЕГАРАСИ

Ғарбий Самога тадқиқот ишлари билан борган мутахассислар Конгва деган оролни тўсатдан очишга муяссар бўлдилар.

ПАГО-ГАПОДАН 115 километр жанубда жойлашган бу оролга боришганда шу ерда истиқомат қилувчи қабила аъзолари кутиб олишди. Уларни бир нарса ҳайратда қолдирди. Кутиб олувчилар орасида катта ёшлардаги кишилар, кексалар умуман йўқ эди, ҳамма ёш эди. Улар чақирилмаган меҳмонларга нисбатан ҳеч қандай қўполлик қилмадилар , бироқ очиқчасига суҳбатлашишга ҳоҳишлари йўқ эди.

Тадқиқотчилар Тинч уммонининг жанубий қисмида истиқомат қилувчи халқлар маданиятини ўрганар эканлар, бу ҳодиса билан қизиқиб қолдилар. Сирни билиш учун икки йил яшашга тўғри келди. Бу қабила аъзоси бўлган эркаклар ёки аёллар 35 ёшга етганларидан кейин қабилалари билан хайрлашиб оролнинг ичкарисига бориб, бу ерда ўсадиган қўкатлардан махсус тайёрланган заҳарни ичиб оламдан кўз юмар эканлар. Бу жаҳонда инсонлар кексайишидан кўра ўлимни афзал кўрадиган биринчи ҳодиса эди.

62 ТАСИНИ ПАККОС ТУШИРГАН ТАЛАБА

Гонконгдаги коллеж талабаси Фанг Чан Кван каламуш гўштини тановул қилишдан ҳеч вақт жирканмаслигини амалиётда исбот қилди.

Ҳар йили шаҳарда бундай жониворларни кўп ва тез ейиш бўйича мусобақалар ўтказиб турилади. Унинг энг сўнггисида қатнашган бу талаба ўттиз бир дақиқа давомида 62 та қовурилган каламушни паккос тушириб, кўпчиликни ҳайратда қолдирди.

— Агар биринчи каламуждан кейин яна иккита ёки учтасини есангиз ҳақиқатан тотли бўлади, — дейди ўзига ўхшаш тўққиз нафар кишилар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқиб, биринчи мукофот — бир минг долларни қўлга киритган Фанг Чан Кван. — Каламушнинг таъми от гўштиникига ўхшайди. Мен уларнинг қайнатилган ва тандирда ёпилганларини хуш кўраман.

ЭЪЛОНЛАР

Барча давлат, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, деҳқон (фермерлик) хўжаликлари ва аҳоли диққатига «Ўртачирчиқпарранда» ҳиссадорлик жамияти сизлардан шартнома асосида, келишилган нархда, алмашув йўли билан макка ва буғдой донига қуйидаги шарт бўйича маҳсулот беради

1. 1.0 -1.5 кг донга (сифат бўйича) - 1 дона тухум
2. 1.0- 1.5 кг донга (сифат бўйича) - 3 кг пахта кунжараси

Бизнинг манзилимиз: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қорасув қишлоғи, Қорасув пахта тозалаш корхонаси ёнида жойлашган «Ўртачирчиқпарранда» ҳиссадорлик жамияти (паррандачилик фабрикаси).

Код 8-276 Телефон: 21-264.

«СЕНОЛ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

винтлар, шуруплар, болтлар, гайкалар, мих парчинлари (заклёпкалар ва бошқа мустаҳкамловчи буюмлари)

ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ.

задвижкаларни таъмирлайди, токарлик-фрезерлик ишларини

БАЖАРАДИ.

Товар айирбошлашимиз ҳам мумкин.

Воситачиларга эса тузилган ва тўлови амалга оширилган шартномаларда кўрсатилган сумманинг 10 фоизи миқдорида хизмат ҳақи тўланади.

Тўлов шакли — турлича.

Телефонлар: 74-20-33,
соат 9 дан 17.00 гача.

Шайхонтоҳур туманидаги кичик корхона — «Ҳ.О.К.И.М» фирмаси ТУГАТИЛАДИ

Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.

СПОРТ

Бокс

ОЛИМПИАДАГА ЯНА ИККИТА ЙЎЛЛАНМА

СПОРТГА илк қадам қўйган ҳар бир ўсмир ёки қиз келажакда халқаро мусобақаларда иштирок этиш, зафар қучиш, қолаверса, жаҳон миқёсида кучлиларнинг қучлилари тўпланадиган олимпиада ўйинларида қатнашишни орзу қилади. Тошкентда ўтказилган боксчиларнинг Осиё биринчилигида Дилшод Ёрбеков, Наримон Отаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаевлар Атлантада ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритишган эди. Куни кеча яна икки боксчимиз орзусига эришди. 57 килограммгача вазнлилар бахсида Улуғбек Иброҳимов ва 71 килограммгача вазнлилар бахсида вилоятимиз вакили Карим Тўлагановлар Филиппинда ўтказилган саралаш мусобақаларида қатнашиб, зафар қучдилар ва олимпиадада қатнашиш йўлланмаси эгаси бўлишди. Март ойида эса Таиландда сўнгги саралаш мусобақалари бўлади. Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари яна омадларини синаб кўрадилар. Зора олимпиячиларимиз сафи яна кенгайса...

ЧЕМПИОН ЧЕМПИОНГА РЎБАРЎ КЕЛГАНДА...

Қуръа шафқатсизлик қилди. Бўлмаса боксчиларнинг Чирчиқдаги кимёгарлар спорт саройида бошланган республика спартакиадасининг дастлабки босқичларидаёқ 57 килограммли вазнлилар бахсида чемпионлик учун асосий даъвогарлар ҳисобланган Дилшод Каримов билан Нурғали Абдураимовларни рўбарў қилармиди? Рақибига қараганда бироз тажрибалироқ бўлган 1987 — 1990 йиллар давомида Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритган Нурғали Абдураимовнинг 1994 ва 1995 йиллар чемпиони, иқтидорли Дилшод Каримов билан бўлган олишуви спорт бахсларининг энг қизиқарли учрашувларидан бири бўлди. Қийин ва оғир «жанг»да устун келган Дилшод Каримов чемпионлик йўлида кейинги боскичларда бирин-кетин рақибларини енгиб, шохсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Спартакиада чемпиони унвонига мушарраф бўлганлар орасида Тошкент вилоятидан фақат биргина вакил бор. 91 килограммгача Темир Ибрагимов биринчи ўринга кўтарилди. Финалгача етиб келган яна бир вакилимиз Фарҳод Бакиров сўнгги «жанг»да мағлубиятга учраб, иккинчи ўринни эгаллади. Тўрт вакилимиз Б. Юсупов, А. Утепов, М. Таласбоев, А. Болжоновлар учинчи ўринни олдилар. Тошкент вилояти жамоаси умумкоманда ҳисобида тўртинчи бўлди. Энг кўп совринга сазовор бўлган андижонликлар жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Тошкент шаҳар боксчилари иккинчи, Фарғона вилояти вакиллари учинчи бўлдилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган республика спартакиадасини боксчилар бошлаб беришди. Спартакиада программасига жами 27 спорт тури киритилган. Кеча спартакиада программаси асосида Урганчда самбочиларнинг беллашуви бошланди. Февраль ойида эса юнон-рум кураши, эркин кураш, шахмат турлари бўйича ҳам беллашувлар бўлади.

Футбол

ФУТБОЛЧИЛАР МАЙДОНГА ЧИҚДИ

КЕЧА Москванинг Марказий ҳарбий спорт клуби, «Динамо» ва «Спартак» ўйингоҳларида Ҳамдўстлик мамлакатлари чемпионлари Кубоги учун тўртинчи халқаро турнир мусобақалари бошланди. Ўзбекистон спорт шарафини республиканинг тўрт карра чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ҳимоя қилишмоқда. Бундан аввалги турнирларда ғолиб келган Москванинг «Спартак» жамоаси бу сафар қатнашмайди. Унинг ўрнига ўтган йилги Россия чемпиони Владикавказнинг «Спартак — Аллани» футболчилари иштирок этадилар.

Жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган. «Нефтчи» Риганинг «Сконто», Кишиневнинг «Зимбрул» ҳамда Россия ёшлар терма командасига қарши ўйнайди. Кеча «Зимбрул» — «Нефтчи» учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳар қайси гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар навбатдаги босқичга чиқади. Чорак финал ўйинлари 30 январда, ярим финал учрашувлари 1 февралда бўлади. Ғолиб учинчи февраль куни аниқланади.

Бугун фарғоналик футболчилар Россия ёшлар терма командаси билан, 29 январда эса «Сконто» жамоаси билан ўйнайди.

Ғолиблар учун 120 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот таъсис этилган. Чемпион Кубок ва ана шу совриннинг 35 фоизи миқдоридаги мукофот билан тақдирланади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 17.00. 1 2 3 4 5 6